

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/27.02.2020.F.72.08. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТУРСУНОВА ШАҲНОЗА БЕКЧАНОВНА**

**ИННОВАЦИОН ТАФАККУРНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ОММАВИЙ**  
**АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ФУНКЦИОНАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**09.00.04 – Ижтимоий фалсафа**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

УДК: 159.955.366.636

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии  
(PhD) по философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy  
(PhD) on philosophical sciences**

**Турсунова Шахноза Бекчановна**

Инновацион тафаккурни шакллантиришда оммавий ахборот  
воситаларининг функционал хусусиятлари.....3

**Турсунова Шахноза Бекчановна**

Функциональные особенности СМИ в формировании  
инновационного мышления.....23

**Tursunova Shakhnoza Bekchanovna**

Functional features of mass media in the formation of innovative  
thinking.....41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....48

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/27.02.2020.F.72.08. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТУРСУНОВА ШАҲНОЗА БЕКЧАНОВНА**

**ИННОВАЦИОН ТАФАККУРНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ОММАВИЙ**  
**АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ФУНКЦИОНАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**09.00.04 – Ижтимоий фалсафа**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.1.PhD/Fal423 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Урганч давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.buxdu.uz](http://www.buxdu.uz)) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Хажиева Мақсуда Султановна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Негматова Шахзода Шухратовна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Норкулов Дўсмурод Тошпўлатович**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** **Навоий давлат педагогика институти**

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/27.02.2020.F.72.08 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “28” октябрь соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200114, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (65) 221-29-14; факс: (65) 221-57-27, e-mail: [buxdu\\_rektor@buxdu.uz](mailto:buxdu_rektor@buxdu.uz))

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (185 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200114, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (65) 221-25-87.)

Диссертация автореферати 2022 йил “15” октябрь куни тарқатилди.  
(2022 йил “15” октябрь даги 20 рақамли реестр баённомаси.)



**Наврўзова Г. Н.**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси,  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Шарипов А. З.**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш котиби,  
фалсафа фанлари доктори, доцент

**Саломова Х. Ю.**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,  
фалсафа фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда мамлакатлар ривожланиш жараёнининг жадаллашуви ёшларнинг инновацион тафаккурни шакллантириш, уларнинг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишни тақозо этмоқда. Фуқароларнинг жамият ва давлат ҳаётини бошқаришдаги иштирокини таъминлаш, уларнинг мақсад-муддаоларини бошқарувнинг юқори тизимларига етказиш, халқ билан давлат ўртасида конструктив диалог ўрнатиш, инновацион тараққиётга эришишда оммавий ахборот воситалари муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу нуқтаи назардан оммавий ахборот воситаларининг инновацион тафаккур қонуниятлари асосида ижтимоий борлиқни, жамият ҳаётини ва кишилар дунёқарашини янгилашга қаратилган функционал хусусиятларини ҳамда уларнинг ғоявий асосларини очиб бериш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон илм-фанида инновацион тафаккурни шакллантириш, барқарор тараққиётни таъминлаш ва демократик ислоҳотларнинг самарадорлигига эришишда оммавий ахборот воситаларининг ролини оширишга қаратилган илмий-техник, инновацион ва экспериментал, махсус, фундаментал ва илмий-амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Инновацион тафаккурни шакллантиришда оммавий ахборот воситалари ролини аниқлаш ҳамда уларнинг ижтимоий-маданий интеграцияга, жамият ва инсон муносабатларига таъсирини аниқлашнинг замонавий концептуал асосларини аниқлаш давр тақозосига айланмоқда. Шунинг учун инновацион тафаккурнинг субъектив, ижодий, психологик тамойилларини ҳамда илм-фанни ривожлантириш, техник ва технологик янгилаш, халқаро этнотуризм, инновация захираларини яратиш каби ижтимоий функцияларини аниқлаш зарурати тобора ортиб бормоқда.

Мамлакатимизнинг янги тараққиёт босқичида оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, ижтимоий- иқтисодий ривожланишнинг муаммоли масалаларини ҳал этишда уларнинг ролини оширишга оид ислоҳотлар олиб борилмоқда. “Мамлакатимизда демократик янгилаш жараёнларини янада чуқурлаштириш, оммавий ахборот воситалари фаолияти самарадорлигини ошириш йўлида давлатимиз ва жамиятимиз томонидан соҳани қўллаб-қувватлаш, бу вакилларининг машаққатли меҳнатини ҳар томонлама рағбатлантиришга бундан буён ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Бу йўлни давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири деб биламиз ва қатъий давом эттирамиз”<sup>1</sup>. Шу нуқтаи назардан, миллий оммавий ахборот воситалари ва марказларнинг медиамакондаги фаолияти, инновацион тафаккурни шакллантиришнинг ижтимоий-ҳуқуқий механизмларини яратиш, инсонпарварлик тамойилларини тарғиб этишнинг илмий-рационал ҳамда конструктив йўллари ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. - Тошкент: “O‘zbekiston”, 2021. – Б. 121.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сон “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”, 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон “Илм-фанни 2030-йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” фармонлари, 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307-сон “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сон “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2022 йил 27 июндаги ПҚ-294-сон “Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва журналистика соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишга мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳонда ижтимоий-фалсафий тафаккур тараққиёти, инновацион тафаккур шаклланиши, инсон тафаккурининг ижтимоий психологик, сенситив жиҳатларининг шаклланиши А. Смит, Э. Дюркгейм, Г. Зиммель, Й. Шумпетер, Ж. Кейнс, Э. Тоффлер, П. Сорокин, Т. Кун, Ж. Бодрийяр, В. Лейбин, А. Маслоу тадқиқотларида таҳлил этилган<sup>2</sup>.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги олимлари Н. Аристер, И. Бестужев Лада, М. Вальяна, Я. Засурский, А. Коршунов, В. Мантатов, О. Анисимов, Г. Щедровицкий, Г. Поченцов тадқиқот ишларида инновацион тафаккур, цивилизациявий тараққиёт ҳамда оммавий ахборот воситаларининг улардаги ўрни тадқиқ этилганини алоҳида қайд этиш лозим<sup>3</sup>.

<sup>2</sup> Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – Москва: АСТ, 2020; - 640 с.; Дюркгейм Э. Самоубийство. Социологический этюд. – Москва: ЭКСМО, 1994; -399 с.; Зиммель Г. Большие города и духовная жизнь. -Москва: 2002; - 112 с.; Шумпетер Й. Капитализм, социализм и демократия. – Москва: Мысль, 1942; -289 с.; Кейнс Ж. Общая теория занятости, процента денег. – Москва: Юрайт, 2018; -344 с.; Тоффлер Э. Метаморфозы власти. – Москва: АСТ, 2004; -672 с.; Сорокин П. Человек. Цивилизация. Общество. – Москва: Изд. полит. лит-рь; 1992; -393 с.; Кун Т. Структура научных революций. – Москва: Мысль, 1977. -151 с.; Бодрийяр Ж. Общество потребления. - Москва: Изд. АСТ, 2020; -86 с.; Лейбин В.М. Индивидуальная психология А. Адлера, - Москва: МИП, 2020; -130 с.; Маслоу А.Г. Мотивация и личность. 3-е издание. – Санкт-Петербург, Питер, 2009. -582 с.

<sup>3</sup> Аристер Н.И. Ориентиры и механизмы повышения эффективности государственной системы... -Москва: ПГУАС, 2011; Бестужев Лада К.Д. Альтернативная цивилизация. – Москва: ЭКСМО, 2009; Вальяна М.В. Основы философии учебник. – Москва: Дело и сервис, 1999. – 546 с.; Засурский Я.Н. Искушения Ясбедой Российская журналистика. 1990-2004. -Москва: МГУ, 2004; Коршунов А.М., Мантатов В.В. Диалектика социального познания. – Москва: Изд. полит. лит-ры. 1988; Анисимов О.С. Методология функции,

Ўзбекистонда инновацион тафаккур ривожланиши ва унинг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари, оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаётидаги ўрни Ф. Мўминов, И. Ғафуров, Т. Эшбеков, М. Худойкулов, иқтисодий тараққиётни таъминлашдаги ўрни А. Саидов, Ш. Кўчимов, ижтимоий-фалсафий хусусиятлари С. Мамашокиров, Д. Норкулов, З. Қодирова, Н. Хакимов, А. Мухтаров, Қ. Назаров, А. Саитқосимов, Ф. Мусаев, Ш. Негматовалар томонидан тадқиқ қилинган<sup>4</sup>.

Юқорида номлари қайд этилган хорижий ва мамлакатимиз олимларининг тадқиқотларда инновацион тафаккурни шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни алоҳида ўрганилмаганлигини кўрсатиб турибди. Шу боис мазкур тадқиқотда ёшлар инновацион тафаккурини шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг функционал хусусиятларига, уларнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатларини илмий-амалий нуқтаи назардан тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Урганч давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг 2.4-банди “Илмий-тадқиқот фаолиятини ривожлантириш ва илмий салоҳиятини оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар дастури” (2020-2025 йй) йўналиши доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** инновацион тафаккур шаклланишида оммавий ахборот воситаларининг функционал хусусиятларини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

инновацион тафаккурнинг ижтимоий белгилари, функционал тизимлари, гносеологик моҳиятини ҳамда унинг унинг илмий, ижтимоий-фалсафий аҳамиятини асослаб бериш;

Ўзбекистонда инновацион ривожланиш концепцияси ва унинг оммавий ахборот воситаларида тарғиб этишнинг ижтимоий-фалсафий тафаккур тараққиётидаги ўрнини тадқиқ этиш;

---

сущность, становление. – Москва: Наука, 1996; Щедровицкий Г.П. Философия. Наука. Методология. – Москва: Наука, 1997; Поченцов Г.Г. Информационные войны. –Москва: Рефл -бук, Ваклер, 2000. -573 с.

<sup>4</sup> Мўминов Ф. Жамоатчилик билан алоқалар ва ахборот хизматлари. – Тошкент: Университет, 2012; Ғафуров И. Ҳаё-нажоткор. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашр., 2016; Эшбеков Т. Жамоатчилик билан алоқалар ва ахборот хизматлари. - Тошкент: ЎзМУ, 2012; Худойкулов М. Оммавий ахборот воситалари назарияси. -Тошкент: Университет, 1999; -37 б. Саидов А.Х., Кўчимов Ш.Н. Қонунчилик техникаси асослари. – Тошкент: Адолат, 2001; Мамашокиров С. ва бошқалар. Шахс ва жамият (назарий масалалар ва амалий машғулотлар). – Т.: Ўқитувчи, 2005. – 335 б.; Саитқосимов А. Фуқаролик жамиятини барпо этишда ижтимоий соҳани инновацион ривожлантириш қонуниятлари. –Тошкент: Тафаккур, 2019. - 244 б.; Норкулов Д. Фуқаролик жамияти ва ижтимоий онда трансформация жараёнлари. – Тошкент: Наврўз, 2015. - 178 б.; Қодирова З. Ўзбекистон жамияти ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ қилишда ёшларнинг ижтимоий фаоллиги. / Фалсафа фанлари д-ри... дис. –Т., ЎзФА Фалсафа ва ҳуқуқ инс-ти, 1999; Мухтаров А. Шахс тарбиясида миллий ғоя, эҳтиёж ва манфаатлар уйғунлиги. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003. –260 б.; Назаров Қ.Н. Жаҳон фалсафаси қомуси. 1-китоб. – Тошкент: “Маънавият”, 2019. – 920 б.; Назаров Қ.Н. Жаҳон фалсафаси қомуси. 2-китоб – Тошкент: “Маънавият”, 2019. – 924 б.; Хакимов Н. История экономических учений. . Учебник. – Ташкент: Imzo Print Media Group. – 352 с.; Мусаев Ф. Демократик давлат қуришнинг фалсафий-ҳуқуқий асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007; Негматова Ш. Ўзбекистонда соғлом рақобатни ривожлантиришнинг маънавий, ахлоқий ва ҳуқуқий жиҳатлари. – Тошкент: Фан, 2016. - 175 б.

замонавий ахборот технологиялари ва воситаларининг Янги Ўзбекистон брендини шакллантиришдаги ўрнини аниқлаш;

инновацион тафаккурнинг ижодий, илмий-техник ва технологик янгиликларини ижтимоий ҳаётга жорий этиш ҳамда жамиятни модернизациялашга таъсир этиш имкониятларини очиб бериш;

оммавий ахборот воситалари ва медиамарказларнинг инновацион изланишлари, мамлакатни инновацион ривожлантиришдаги ижтимоий функцияларини тадқиқ этиш;

миллий оммавий ахборот воситалари ва медиамарказларнинг публик релейшнз (PR) борасидаги тажрибалари, инновацион тафаккур маҳсулотлари ва ишланмаларини тарғиб этишга оид тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг объектини** оммавий ахборот воситаларининг инновацион жараёнлар ва инновацион тафаккурни шакллантиришдаги фаолияти ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида инновацион тафаккурни шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг функционал хусусиятларини асослаб бериш билан белгиланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда анализ ва синтез, қиёсий таҳлил, комплекс ва тизимли ёндашув, умумлаштириш ва конкретлаштириш, интервью, контент анализ, социологик сўров каби илмий билиш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

инновацион тафаккурнинг махсус билим ва дунёқарашга эга бўлиш, ижтимоий борликни оддий воқеликдан ажрата билиш, бутун ва қисмлар ўртасидаги гармоник алоқадорлик, шахснинг тафаккурий изланишларга мойиллиги, плюралистик ва танқидий муносабатда бўлиш қонуниятлари асосида ижтимоий борликни, жамият ҳаётини ва кишилар дунёқарашини янгилашга қаратилган ўзига хос ижтимоий-фалсафий, субъектив феномен эканлиги асосланган;

инновацион тафаккур ижодий, интеллектуал изланишларга оид субъектив феномен, илмий-техник ва технологик янгиликларни ижтимоий ҳаётга жорий этиш билан боғлиқ тажриба маҳсули эканлиги ҳамда жамиятни модернизациялашга таъсир этиши фалсафий жиҳатдан аниқланган;

“Янги Ўзбекистон” бренди ва халқаро имижини шакллантиришда оммавий ахборот воситалари ва медиамарказларнинг ижтимоий ҳаётга янгилик олиб кириш, тараққиёт ва ислоҳотларга дахлдорлик туйғуларини шакллантириш, рационал изланишлар ва аниқ ижтимоий мақсадларга йўналтирувчи ижодий, психологик, янги концептуал ғояни акс эттириш тамойиллари асосида мамлакатни инновацион ривожлантириш концепциясига мувофиқ илм-фанни ривожлантириш, техник ва технологик янгиланиш, халқаро этнотуризм, инновация захираларини яратиш каби ижтимоий функциялари асослаб берилган;

миллий оммавий ахборот воситалари ва марказларнинг медиамакондаги фаолияти, публик релейшнз (PR) борасидаги инновацион технопарклар, фан жамиятлари ва академиялари, “академик ҳаракатчанлик” дастурлари каби

тажрибалари ёритилиб, инновацион тафаккур маҳсулотларини жаҳонга олиб чиқишда халқаро индексацияланадиган миллий журналлар ва ахборотлар базасини такомиллаштириш, ижодий рақобатни қўллаб-қувватлашнинг ижтимоий-ҳуқуқий механизмларини яратиш, миллий тил ва кадриятларни асраш, инсонпарварлик тамойилларини улуғлаш кабилар муҳим аҳамиятга эга эканлиги далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

инновацион тафаккур тарихининг ривожланиши ва генезиси, унинг илмий, ижтимоий-фалсафий талқинлари, гносеологик илдизлари ва имкониятларининг бир-бирига боғлиқ эканлигини аниқланган;

инновацияларнинг жамият тараққиётига таъсир этувчи, эски иш усулларини янгилашга қаратилган изланишларни ёритишда оммавий ахборот воситаларининг муҳим бўғин экани очиқ берилган;

инновацион тафаккурнинг реал ижтимоий ҳаётга таъсири аввало, оммавий ахборот воситаларининг тарғибот ва ташвиқот функциясининг тезкорлиги, новацияга ўчилиги, модернизация жараёнларига ўз ҳиссасини қўшишга тайёрлиги, янги фикрлар ва ғояларни кенг тарғиб этишда намоён бўлиши асосланган;

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқот жараёнида қўлланилган назарий қарашлар, тадқиқот усуллари ва ёндашувлар расмий манбалардан олинганлиги, нашр этилган илмий мақолалар, республика ва халқаро конференцияларда муҳокамадан ўтказилганлиги, тадқиқот иши натижалари юзасидан берилган хулосалар, таклиф ишлаб чиқилганлиги ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, назарий хулосаларнинг педагогик фаолиятда кенг қўлланилганлиги ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган назарий-услубий хулосалар ва амалий тавсиялардан инновацияга оид назария ва унинг илмий-методологик асослари, ёшлар инновацион тафаккурини шакллантиришда оммавий ахборот воситалари ва медиамарказларнинг интеллект ва креатив фаолликни ошириш масалалари таҳлилида назарий ҳисса қўшиши, инновацион ва инвестицион муҳитнинг жозибардорлигини оширишда, уларнинг назарий-услубий асосларни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган хулоса ва тавсиялардан мамлакатимизни ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ тараққиёт дастурларининг моҳиятини халққа етказишда, ёшлар инновацион тафаккурини юксалтириш, олий таълимда ўқитиладиган “Фалсафа”, “Маънавиятшунослик”, “Касбий маънавият” фанларнинг методик таъминотини такомиллаштиришда, жамоат ташкилотлари, медиамарказларнинг тарғибот материаллари, маънавият-маърифат муассасалари фаолиятларида, маънавий-маърифий тарғибот тадбирларни ташкил этишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Инновацион тафаккур шаклланишида оммавий ахборот воситалари ва медиамарказларнинг функционал хусусиятларини бўйича олинган илмий натижалар асосида:

инновацион тафаккурнинг махсус билим ва дунёқарашга эга бўлиш, ижтимоий борликни оддий воқеликдан ажрата билиш, бутун ва қисмлар ўртасидаги гармоник алоқадорлик, шахснинг тафаккурий изланишларга мойиллиги, плюралистик ва танқидий муносабатда бўлиш қонуниятлари асосида ижтимоий борликни, жамият ҳаётини ва кишилар дунёқарашини янгилашга қаратилган ўзига хос ижтимоий-фалсафий, субъектив феномен эканлигига оид назарий умумлашма ва хулосалардан Урганч давлат университетида бажарилган ПЗ-201709202 “Хоразм вилояти ва Хива шахрининг туристик салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва уни янада ошириш стратегиясини ишлаб чиқиш” (2018-2020 йй) амалий лойиҳада фойдаланилган (Урганч давлат университетининг 2021 йил 6 декабрдаги 02/02-1573-сон маълумотномаси). Натижада, лойиҳани амалга оширишда самарадорликка эришишга, инсон капиталини ривожлантириш, рақамли платформалар орқали ижтимоий ҳаётни модернизациялаш, инновацион тафаккурнинг реал ижтимоий ҳаётга таъсирини тезкорлик, инновацияга интилиш, янги фикрлар ва ғояларни кенг тарғиб этишга хизмат қилган;

инновацион тафаккур ижодий, интеллектуал изланишларга оид субъектив феномен, илмий-техник ва технологик янгиликларни ижтимоий ҳаётга жорий этиш билан боғлиқ тажриба маҳсули эканлиги ҳамда жамиятни модернизациялашга таъсир этишига доир хулосалар ва таклифлардан “Юксалиш” умуммиллий ҳаракатининг 2021 йил “Ўзбекистонда журналистика соҳасида халқаро этика стандартларини ривожлантириш” ва “Инновациялар учун ҳамкорлик” дастурларини амалга оширишда ҳамда “Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институтининг “Инновация ва тараққиёт”, “Ахборотлашув ва ёшлар тарбияси” тарғибот тадбирлари сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (“Юксалиш” умуммиллий ҳаракатининг 2021 йил 30 ноябрдаги 12-74/21-сон ва Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги “Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институтининг 2022 йил 18 январдаги 01-09/741-сон маълумотномаси). Натижада, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга, замонавий ҳамда юксак салоҳиятга эга мутахассисларни қўллаб-қувватлаш, жамиятнинг интеллектуал захирасини шакллантириш, халқ билан давлат ўртасида конструктив диалог ўрнатишда назарий-методологик асос сифатида хизмат қилган;

“Янги Ўзбекистон” бренди ва халқаро имижини шакллантиришда оммавий ахборот воситалари ва медиамарказларнинг ижтимоий ҳаётга янгилик олиб кириш, тараққиёт ва ислохотларга дахлдорлик туйғуларини шакллантириш, рационал изланишлар ва аниқ ижтимоий мақсадларга йўналтирувчи ижодий, психологик, янги концептуал ғояни акс эттириш тамойиллари асосида мамлакатни инновацион ривожлантириш концепциясига мувофиқ илм-фанни ривожлантириш, техник ва технологик янгилаш, халқаро этнотуризм, инновация захираларини яратиш каби

ижтимоий функцияларига доир назарий хулосалар ва амалий таклиф-мулоҳазалардан Ўзбекистон Республикаси Президенти администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг “Ўзбекистон Республикаси ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни янада ривожлантириш” дастурининг 5- банди “Журналист мақомини ошириш, медиа жамиятда ўзини ўзи бошқаришнинг механизмларини шакллантириш ҳамда журналистнинг умум эътироф этилган миллий гувоҳномасини жорий этишга қаратилган таклифларни ишлаб чиқиш”, 8- банди “Журналистларнинг Касб этикаси кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш” ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг 2022 йил 12 январдаги 05/2-155-сон маълумотномаси). Натижада, жамият ҳаётининг барометри бўлган ижтимоий коммуникация жараёнлари, аввало, оммавий ахборот воситалари орқали кишилар онгига, тасаввурлари ва дунёқарашига таъсир этаётгани ҳамда демократик кадриятларни қарор топтиришни мақсад қилиб қўйган ҳар бир жамият ОАВ ва медиамарказлар имкониятларидан фойдаланаётгани асослаб берилган ҳамда илмий-амалий тадбирларни ташкил этишда, услубий тавсиялар, дастурлар, ишланмаларни яратишда методологик асос сифатида хизмат қилган;

миллий оммавий ахборот воситалари ва марказларнинг медиамакондаги фаолияти, публик релейшнз (PR) борасидаги инновацион технопарклар, фан жамиятлари ва академиялари, “академик ҳаракатчанлик” дастурлари каби тажрибалари умумлаштирилиб, инновацион тафаккур маҳсулотларини жаҳонга олиб чиқишда халқаро индексацияланадиган миллий журналлар ва ахборотлар базасини шакллантириш, ижодий рақобатни қўллаб-қувватлашнинг ижтимоий-ҳуқуқий механизмларини яратиш, миллий тил ва кадриятларни асраш, инсонпарварлик тамойиллари улуғлашга оид тавсиялардан Республика Маънавият ва маърифат марказининг Ўзбекистон Республикасида 2021 йилда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтаришга доир қўшимча чора-тадбирлар дастури VI. Маънавий-маърифий ишлар таъсирчанлигини оширишда оммавий ахборот воситалари, интернет, ижтимоий тармоқлар имкониятларидан кенг фойдаланиш, Интернет тизимида миллий ахборот базасини ривожлантириш йўналиши 46-банди “Замонавий инновацион технологиялардан фойдаланиш мамлакат тараққиётининг гаровидир” мавзусида ижтимоий тармоқлар ва ОАВда туркум мақолаларни тайёрлашда фойдаланилган (Республика маънавият ва маърифат кенгашининг 2021 йил 24 декабрдаги 02/02/1748-сон маълумотномаси). Натижада, жамиятни демократлаштириш, инновацион тафаккурни шакллантириш, халқ билан давлат ўртасида конструктив диалог ўрнатиш, инновацион ўзгаришларга эришиш оммавий ахборот воситаларининг функционал хусусиятларига, фукаролик позицияси ва профессионал маҳоратларига оид тарғибот ишлари самарадорлигини оширишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари жами 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуи бўйича 18 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола (6 та республика ва 1 та хорижий журналларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 152 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **“Кириш”** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, диссертация бажарилаётган муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети ва усуллари ёритилган. Шунингдек, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва илмий-амалий аҳамияти тавсифланган.

Тадқиқотнинг биринчи боби **“Инновацион тафаккур: ижтимоий белгилари, функционал тизимлари, ижтимоий-фалсафий ва гносеологик моҳияти”** деб номланиб, инновацион тафаккур ва унинг илмий, ижтимоий-фалсафий талқинлари, фалсафий-гносеологик илдизлари ва имкониятлари, функционал тизимлари ҳамда ижтимоий, классификацион хусусиятлари тадқиқ этилган.

Диссертант фикрича, ҳеч бир жамият, ўз тараққиёти ва келажагини ўйламайдиган халқ, миллат инновация ва модернизациясиз ўз мақсадларига эриша олмайди. Бугун дунёда кечаётган глобаллашув аввало модернизация ва инновацияга таянаётгани сир эмас. Шундай вазиятда инновациянинг ижтимоий хусусиятлари, илмий ва ижтимоий-фалсафий талқинлари аниқ кўриниш касб этиши, бу борадаги турли ёндашувларни умумий ижтимоий-фалсафий хусусиятлари очиб берилиши зарур. Шундай умумий фалсафий қарашларни йўқлиги боис инновация ва инновацион ўзгаришлар ҳақида турли, гоҳо зиддиятли қарашлар мавжуд.

Диссертацияда инновацион тафаккурнинг функционал тизимлари ва уларнинг жамият ҳаёти, тараққиёти учун муҳим жихатлари, фалсафий мушоҳада инновацион тафаккурнинг ядроси экани асослаб берилган ҳамда гносеологик масалалар замонавий қарашлар, концептуал ёндашувлар асосида очиб берилган.

“Инновацион тафаккур” тушунчасининг ўзаги бўлмиш креатив тафаккур унинг илмий, ижтимоий фалсафий талқинлари, генезиси ва кўринишларидир.

Диссертант мулоҳазаларига кўра, тафаккур “ақлу идрок”, “рационал ёндашиш”, “тажрибага мувофиқлик”, “реал, ҳаётий талабларга мос

фикрлаш”, “ўзини ўзи ташкил этиш ва бошқаришга қодир воқелик”, хуллас, объектив жараёнларга субъектив баҳо бериш билан боғлиқ, моҳиятан субъектив воқелик, жараён, инъикоси эканлиги, инновацион тафаккур ижтимоий-фалсафий моҳиятига кўра, инсоннинг фикрлашига, рационал излашига оид субъектив воқелик бўлсада, у шунчаки фикрлаш, рационал излаш эмас, балки мавжуд ҳаёт тарзига, усуллар ва ёндашувларга маълум бир янгилик олиб киришга қаратилгани билан фарқланишига мисоллар келтирилган.

Даврлар ўзгариши жараёнининг айнан XVI-XVII асрлар, тафаккур тараққиёти тарихида “янги давр” деб аталадиган босқич илм-фаннинг, схоластика устидан рационалликнинг ғолиб келиши ҳамда янги даврнинг асосий ғояси бўлган рационализм билан деҳқончилик босқичида қарор топган традиционализм ўртасидаги зиддиятлар, курашлар тафаккурдан маълум бир позицияни ёқлашини тақозо этган. Бу эса ўз навбатида, тафаккурни иккиланишлардан, шубҳалардан холи қиладиган далил, исбот ва тажриба керак эканлигини кўрсатиб ўтган. Бу вазифани илм-фан, техник-технологик кашфиётлар бажарди. Диссертант, капиталистик муносабатларни таҳлил қилишдан йироқмиз албатта, мақсадимиз капитализм даврининг инновацион жиҳатларни қуйидагилар билан ифодалаш мумкин, - деб қайд этади ва уларни қуйидагича этиб кўрсатади:

*биринчидан*, меҳнат самарадорлигини оширишнинг янги воситалари ва усуллари кашф этилди;

*иккинчидан*, инсон тафаккурига ишониш ва таяниш ижтимоий тараққиётга элтувчи омил экани эътироф этилди;

*учинчидан*, инсоннинг тафаккурий ва интеллектуал изланишлари унинг ҳуқуқи, мулки сифатида тан олинди;

*тўртинчидан*, илм-фанга, техникавий изланишларга алоҳида ижтимоий соҳа сифатида қараш шаклланди;

*бешинчидан*, илмий-техник кашфиётлар инсоннинг табиат устидан ҳукмронлик қилишини таъминлади;

*олтинчидан*, қитъалар ва халқлар ўртасидаги интеграцион алоқалар глобал аҳамият касб эта бошлади;

*еттинчидан*, либерал демократик қарашлар ва ғоялар қарор топди ва улар инсоният орзу қилиб келган жамият қуриш кафолати сифатида қараладиган бўлди. Бугун барпо этилаётган индустриал жамиятлар, демократик ривожланиш йўлига кирган давлатлар ҳам ушбу инновацион ғоялар ва ўзгаришлардан озуқа олади. Лекин XX асрнинг охирларига келиб, илмий адабиётларда “тўртинчи илмий-техник инқилоб”<sup>5</sup>, - деб аталаётган инновацион ўзгаришлар ҳам моҳияти, ҳам кўлами нуқтаи-назаридан олдинги босқичлардагидан фарқ қилади.

Шу билан биргаликда, бу даврда инсон тафаккурининг глобал ўзгаришларга қодир нарсаларни яратиши мумкинлиги энди шубҳа уйғотмайди, жисмоний меҳнатни интеллектуал меҳнат билан тўла

<sup>5</sup> Қаранг: Шваб К. Четвертая промышленная революция. - Москва; Эксмо, 2018.

алмаштириш ва самарадорликни кескин ошириш мумкинлиги намоён бўлди, инсон ҳаётини узайтирувчи, соғлигини таъминловчи “сунъий органлар” яратилди. Дунёнинг истаган нуқтаси билан алоқа ўрнатиш, уларда рўй бераётган воқеаларни кузатиш, кўриш ва баҳолаш имконияти яратилди, оммавий ахборот воситаларининг фаолият доираси кескин кенгайди, ахборот коммуникация тизими алоҳида соҳа сифатида шаклланди. Компьютер, интернет, планшет, робот технологияси ижтимоий тараққиётни белгилаб берувчи омилларга айланди. Тафаккурга шунчаки фикрлаш тарзи, англаш воситаси сифатидагина эмас, балки инновацион ва революцион ўзгаришлар қилишга қодир интеллектуал куч деб қараш қарор топди, тафаккур ўрнини босишга даъвогар “сунъий ақл” яратилди, у инсон тафаккурини, қизиқишлари ва имкониятларини мутлақ янги поғонага кўтаради. Диссертант шуларни ҳисобга олган ҳолда давр ўзгариши тафаккурнинг инновациялашишига эмас, тафаккурда инновацияларни шаклланиши даврлар ўзгаришига таъсир этган деган хулосага келган.

Диссертацияда бугунги илмий-техник янгиланишлар, тараққиёт инновацион тафаккурга анъанавий ҳаёт тарзидан, мавжуд усуллар ва ёндашувлардан фарқ қилувчи янгиланиш, илмий-технологик изланиш, жараён сифатида қараётганини пайқаш қийин эмаслиги таъкидланади. Мазкур ёндашув XX асрнинг иккинчи ярмида шаклланди. Аслида эса ижтимоий тараққиёт инновацион изланишлар ва фаолият негизида рўй берган. Шунинг учун ижтимоий тараққиёт ва инновацияга бир-бирини тақозо этадиган воқеликлар, бири-бирини шарт қилиб қўядиган жараёнлар, тафаккур генезисини ретроспектив таҳлил этишга, ундаги инновацион хусусиятларни аниқлаб олишга ундайди. Демак, ижтимоий тараққиёт ўзагини тафаккур ва ундаги инновацияга мойил изланишлар, янгилик яратишга қаратилган фаолият ташкил этади. Диссертацияда фалсафий ихтиро, ижод умумий қонунларга ҳам эга эканини рад қилмаслиги ҳақида ҳам сўз боради. Улар қуйидагилардан иборат:

маҳсус билимлар ва дунёқарашга эга бўлиш;

ижтимоий борликни оддий воқеликдан ажрата билиш;

бутун ва қисмлар ўртасидаги гармоник алоқаларнинг экзистенциал аҳамиятини унутмаслик;

“Мен” феноменининг тафаккурий изланишларга мойиллигини, фалсафий мулоҳазалар юритиш сирларини изчил кузатиш;

плюрализмни қўллаб-қувватлаш ва ўзини ўзи танқид қилиш кабиларга ажратиш мумкин.

Фалсафий ихтиролар, мулоҳазалар учун апостреори қанчалик муҳим рол ўйнаса, априори ҳам шундай аҳамиятга эга. Уларни бир-биридан фарқлаш ва уларни ўрни келганида уйғунлаштириш, комбинациялаштириш маҳсус билимларни тақозо этадики, бу фазилатсиз шахс, тадқиқотчи осонгина априори, иррационаллик тарафдорига айланади. Илм-фан соҳаси эса кўпроқ ижтимоий эҳтиёжлардан келиб чиқишни талаб қилади.

Диссертацияда инновацион тафаккурга оид илмий ёндашувлар ва таърифларни ўрганиш, таҳлил қилиш унинг қуйидаги функционал

тизимлари, ижтимоий, классификацион хусусиятлари мавжудлигини кўрсатиши ҳақида ҳам кўрсатилиб ўтилади. Улар қўйидагича намоён бўлади:

- инновацион тафаккур ижтимоий ҳаётга янгилик, кашфиёт олиб киришга қаратилган илмий фаолият тури, илм-фан сифатида келади;

- янгиликка, таракқиётга ва ўзгаришларга мойил дунёқарашни ифода этади;

- инсоннинг рационал изланишлари ва фаолиятини аниқ ижтимоий мақсадларга йўналтирувчи ижодий, психологик установка вазифасини бажаради;

- ижтимоий онг ва ижтимоий фикр билан уйғунлашиб, маълум бир муҳитга, жамиятга, гуруҳга оид янги концептуал ғояни акс эттиради;

- ижтимоий детерменистик хусусиятга эга;

- янги маънавий воқелик, ғоялар, қадриятлар тарзида ижтимоий борлиққа, жамият ҳаётига таъсир этади;

- инсоннинг барча онгли, рационал фаолияти янгиликка мойил тафаккур таъсирининг маҳсуллари сифатида қаралиши мумкин. Мазкур тизимли, классификацион ёндашув инновацион тафаккурнинг ҳам илмий, ижтимоий-фалсафий моҳиятини очиб беришга ёрдам беради.

Диссертацияда инновацион тафаккурнинг ижтимоий детерменистик хусусиятлари ҳақида ҳам фикр юритилган. Ҳар бир яратилган ва ҳаётга жорий этилган янгилик ижтимоий фикрга, кишиларнинг тасаввурларига таъсир этиб, уларни ҳам янгилик излашга ундайди. Ижтимоий онгни ҳаракатга келтириш, кишилар қалбида ва ўйида инновацион ғоялар ҳамда ишланмаларга қизиқиш уйғотиш ана шу детерминизмнинг таъсири туфайлидир. “Инсон хатти-ҳаракатларининг барчаси детерменистик хусусиятга эга, уларга инсон вужуди ёки характери, насл ёки ижтимоий муҳит таъсир этиб туради. Инсон интиладиган эрк ва ижодий изланиш ҳам детерминизм таъсиридадир”<sup>6</sup>. Шу нуқтаи-назардан қараганда, инновация, ижодий изланиш сифатида “ижтимоий муҳит”дан туғиладиган ва қайта ижтимоий бойликка айланадиган, интеллектуал мулк сифатида эса кишиларда интеллектуал изланишларга, илмий янгиликка қизиқиш уйғотадиган воқеликдир.

Тадқиқотнинг иккинчи боби **“Оммавий ахборот воситаларида инновацион ғоялар ва ишланмаларни ёритиш тажрибалари”** деб номланган бўлиб, унда оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий коммуникация жараёнларининг инновацион тафаккур шаклланишига диалектик таъсири масалалари таҳлил этилган. “Оммавий ахборот воситалари” ва “ижтимоий коммуникация” тушунчаларининг ижтимоий-фалсафий талқини ўрганилган, унинг асосий хусусияти сифатида эътироф этиладиган жиҳати техника воситалари (газета, журнал, радио, телевидение, телефон) орқали ахборотларни очик тарзда оммага етказиб бериши очиб берилган.

---

<sup>6</sup> Лосский Н.О. Избранное. - Москва: “Правда”, 1991. - С. 494-495.

Баъзи мутахассислар унда ахборотларни тепадан пастга йўналтириш анъана, шунинг учун унинг ўрнига “оммавий коммуникация воситалари” деган категорияни қўллаш маъкул деган фикрни билдиришган. Баъзан эса улар қаторида “оммавий тарғибот воситалари” деган атама ҳам ишлатилган. Ўзбек тилида, айниқса журналистикада бу категориялар муҳокама қилинмайди, улар умумий ном билан “оммавий ахборот воситалари” деб аталади. Диссертант фикрича, бу борада турли фикрларни билдириш, этимологик таҳлил ўтказиш, айниқса ахборотларнинг оперативлиги, объективлиги ва эмоционал қабул қилиниши нуқтаи назаридан у ёки бу категорияларни киритиш мумкин, дея эътироф этиб ўтган. Масалан, улар ўрнига баъзан “медиаахборот”, “медиамарказ”, “медиа таҳлил” тушунчаларини қўллаган. Энг муҳими оммавий ахборот воситаларининг ўз функциялар (медиафункциялар)ини бажаришида эканлиги кўрсатиб берилган.

Махсус адабиётларни, мутахасислар фикрларини ўрганишдан келиб чиқиб, комплекс ёндашувнинг қуйидаги йўналишлари борлиги кўрсатиб ўтилган:

- стратегик режалаштириш, қарорлар қабул қилиш;
- ички фаолиятни, медиахизматлар кўрсатиш жараёнларини ташкил этиш;
- вазифаларни тақсимлаш, дастурлар учун масъулларни белгилаш;
- дастур ёки тадбирнинг ахборот технологиясини модернизациялаштириш, янгилаш;
- таваккал қилиш ва уни ижодий жараёнда йўналтириб бориш;
- ахборотлар, маълумотлар ва медиахизматлар хавфсизлиги таъминлаш;
- ички назорат ва жамоатчилик билан ишлаш;
- дастур ва тадбирлар молиявий мониторингини ўтказиш;
- инвесторлар, ҳомийлар билан алоқалар ўрнатиш ва ташкил этиш;
- диссертанцион хизматлар кўрсатишни кенгайтириш;
- ахборотлар объективлигини ва оперативлигини таъминлаш.

Диссертант эътирофича, илмий адабиётларда оммавий ахборот воситаларини турли типологик белгилари борлиги қайд этилади ва уларни трансмиллий, миллий, регионал ва маҳаллий кўринишларга ажратилган. Ҳақиқатан ҳам, медиамарказлар ана шу ижтимоий жўғрофий, кибермаконда тарқалиш белгиларига қараб жойлаштирилган, ҳар бир медиамарказ маълум бир жўғрофий худудда, маконда, манзилда фаолият олиб боради. Бироқ улар ахборотлар тарқатиш эркинлигидан келиб чиқиб трансмиллий ахборотлардан ҳам фойдаланишлари мумкин. Бу тақдирда ҳатто туман газетаси ёки вилоят телевиденияси глобал ахборотлар базасини яратишга интилади ва улардан фойдаланади.

Диссертацияда, оммавий ахборот воситаларининг ўзига хос фундаментал жиҳатлари мавжудлиги ҳам қайд этилади. Улардан бири ахборот субъекти (журналист, публицист, муаллиф)нинг медиамарказлар фаолиятида, дастурлари ва кўрсатувларида аввало, ижодкор сифатида қатнашишидир, - деб фикр билдирилган. Ушбу субъектлар ўзининг сўз ва ижод эркинлиги ҳуқуқларидан келиб чиқиб, медиамарказларда тадбирлар

уюштиради, оммавий аудиторияга у ёки бу муаммолар бўйича ўзининг қарашлари ва тавсияларини етказди. Субъектларнинг ижодкорлиги орқалигина медиамарказлар чин ижод, ижодий изланиш ва ижтимоий онгни шакллантириш институтларига айланади. Медиамарказлар субъектларнинг фикрларини оммалаштириш майдони, ижтимоий онгга самарали ва оператив таъсир этиши асослаб берилган.

Диссертацияда Европада илмий ахборотлар базаси ва улардаги илмий-техник янгиликлар инновацион изланишлар, ихтиролар учун бетакрор манба ҳисобланиши борасида ҳам сўз юритилган. Улардаги ахборотлар, янгиликлар махсус экспертлар томонидан синовдан ўтказилади, кейин эса чоп этилади. Чоп этиладиган мақолаларга тўланадиган гонорарлар эса энг юқори, яъни 10 минг долларгача бориши мумкин. Олимлар уларда мақолаларини чоп эттиришни ўзига шараф деб билади. Европада ҳам илмий, айниқса аниқ фанларга оид журналларни нашр эттириш, уларни қўллаб-қувватлаш анъанага айланган. Илм-фаннинг креатив кучига ишониш, инновацион ғояларни шакллантириш ва ижтимоий ҳаётга, айниқса иқтисодиётга, ишлаб чиқаришга, нанотехнологик жараёнларга тадбиқ этишга катта эътибор берилади. Журналлар мақолаларга қатор талаблар қўяди:

*биринчидан*, муаллиф илмий креатив дунёқарашга эга бўлиши ва муаммодан яхши хабардорлигини ижодий фикрлари, ёндашувлари, фаразлари ва хулосалари орқали тасдиқлаши;

*иккинчидан*, ўзининг бетакрор, объектив ва мустақил фикрига эга бўлиши;

*учинчидан*, муаммога оид адабиётлар ва улардаги асосий концепциялардан хабардор эканини кўрсатиши;

*тўртинчидан*, илмий ёндашувларга ва оппонентларига илм-фан этикаси нуқтаи назаридан жавоб бериши, баҳс мунозараларни антогонистик курашлар манбаига айлантirmаслиги;

*бешинчидан*, ўзидан кейинги тадқиқотларга, креатив ва инновацион изланишларга имкон қолдириши учун ўз қарашларини мутлақлаштирмаслиги керак.

Диссертант мулоҳазаларига кўра, Фарбда инновацион ишланмаларни ўқувчиларига етказиш борасида ҳам алоҳида тажриба мавжуд. Илмий-техник ахборотларни йиғиш, ўрганиш ва инновацион ишланмаларни ўқувчиларига етказиш билан шуғулланувчи махсус 300 дан зиёд журналлар мавжуд. Бу нашрларнинг илмий йўналишлари оммавий газета ва журналларникидан фарқ қилиб, тор доирадаги аудиторияга, яъни тадқиқотчиларга мўлжалланган. Инновацион ишланмалар пировард натижада кенг аудиторияга, унинг ижтимоий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган бўлса-да, аввалида тор доирадаги ихтирочиларнинг изланишлари сифатида келади. Бу илмий-ижодий фаолиятнинг ички қонуни сифатида қабул қилинади. Медиамарказлар ушбу ички қонунни тадқиқотчи (ихтирочи, ижодкор, инноватор) билан кенг аудитория ўртасидаги креатив муносабатларни шакллантириш орқали ижтимоий тараққиётга хизмат қилиши тадқиқотда очиб берилган.

